СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ МАЪМУРИЙ БЎЛИНИШИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Б.ҒОЙИБОВ

Мақолада Суғд конфедерациясининг тарихий-маъмурий бўлиниши ёзма манбалар асосида ёритиб берилган. Хитой ва араб манбаларида келтирилган маълумотларнинг фарқлари ва уларнинг сабаблари атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Суғд, суғдий, Самарқанд, Турк хоқонлиги, маҳаллий ҳукмдорликлар, конфедерация.*

В данной статье исследуется историко-административное деление согдийской конфедерации на основе письменных документов того периода. Проанализированы различия сведений, приведенных в китайских и арабских источниках, и их причины.

Ключевые слова: *Согд, согдиец, Самарканд, Тюркский каганат, местные правительства, конфедерация.*

This article studies the problems of historical-administrative divisions of Sogdian confederation based on written sources. It contains some interesting points dealing with differences between the written sources in Chinese and Arabic manuscripts.

Key words: *So'gd, Sogdian people, Samarqand, Turkish khanate, local government, confederation.*

«Суғд» атамаси узоқ вақт давомида турли тилли манбаларда учраб келган. Тадқиқотчи В.Томашек бу сўзни умумэрон тилларидан келиб чиқиб «порламоқ», «ёнмоқ», «ярқирамоқ» (тожик тилидаги «сухтан» – «ёнмоқ» сўзининг негизини ташкил этади) деб изоҳлайди [21.74-75]. Форс-тожик луғатида эса бу атама – «сув тўпланадиган пасттекислик» маъносида келади. Ўзбек тилли адабиётларда кўп ҳолларда «суғд» ёки «сўғд» атамаси ҳам этник ном, ҳам муайян географик ҳудуд ёки ҳукмдорлик номи учун қўлланаётгани кўзга ташланади. Бу ҳолат баъзи ўринларда гап айнан халқ ёки тарихий ўлка ҳақида бораётгани масаласида чалкашликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, муайян этнос номи сифатида «суғдий», тарихий-географик ўлка номи сифатида эса «Суғд» атамасини ишлатиш маъқулдир.

Шу ўринда Суғд конфедерациясининг географик чегаралари қайси ҳудудларни ўз ичига олади, деган мазмунда савол туғилиши табиий. *Суғд конфедерацияси* – «Суғд иттифоқи» мазмунидаги ушбу нисбий атама остида илк ўрта асрларда Зарафшон дарёси ҳавзасидаги Самарқанд, Панч, Маймурғ, Иштихон, Кабудон, Кушония ҳукмдорликларини ҳамда Қашқадарё дарёси ҳавзасидаги Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларини ўз ичига олган муаяйн сиёсий уюшма тушунилиб, унинг таркибидаги мазкур ҳукмдорликлар ўз ички бошқарувида мустақил бўлишган. Уларнинг ҳар бири ўз бошқарув маркази – пойтахти, ҳукмдор сулоласи, ҳокимият рамзлари (танга, тамға ва ҳ.к.), қўшини каби ҳокимият хусусиятларига эга бўлишган. Ўз навбатида, уларнинг битта сиёсий иттифоқ – конфедерацияга бирикишлари асосида мазкур ҳукмдорликларнинг ўзаро етакчи ҳукмдорлик (ёки сулола)га бўйсунишлари, ҳукмдор сулолалар келиб чиқиши жиҳатидан ягона хонадонга бориб тақалиши ёки айрим ижтимоий-сиёсий ва маданий-мафкуравий мажбуриятларни бажаришлари каби омиллар ётган. Жумладан, Самарқандда Чжаову (Жамук) хонадони ҳукм суриб, қолган ҳукмдорликлардан аксариятини ушбу хонадонга мансуб сулолалар бошқарган ва улар орасида Самарқанддаги сулола етакчилик қилган. Ташқи душманларга биргаликда курашиш мажбуриятида бўлган ҳукмдорликлар вакиллари йилнинг муайян вақтларида битта жойга йиғилган ҳолда диний амалларни, хусусан, зардуштийлар удумларини ҳамкорликда бажаришган.

Суғд милоддан аввалги I мингйилликнинг бошларида Ўрта Осиёда шакллана бошлаган илк давлатлар («шаҳар-давлат», «воҳа давлат») дан бири сифатида қадимги эрон битикларида Сугуда, юнон манбаларида Согдиана шаклида тилга олинади [9. 253-279]. Мил. авв. VII-VI асрларда Самарқанд марказли Суғд Ксениппа (Кеш – Нахшаб), Бухоро каби ҳукмдорликларни ўз ичига олувчи муайян бир конфедерация ҳолатини ола бошлайди [18. 27].

Маълумки, Марказий Осиё тарихий географияси муаммолари қадим замонлардан бошлаб диққат марказида бўлиб келган. Бир ёқдан хи-

той сайёҳлари ва диний роҳиблари ўлкамиз географик тафсилотларини баён қилса, иккинчи томондан юнон, рим, араб, форс муаллифлари бу тафсилотлар билан қизиқиб келган. Сабаби, Марказий Осиёнинг ўша замонлардаги қулай географик ўрни эди. Ана шу географик тафсилотлар заминида қадимий халқаро савдо маданий муносабатлар йўли – Буюк ипак йўли шаклланган ҳам маълум.

Ушбу конфедерациянинг тарихий-маъмурий бўлиниши, географияси ва моҳияти хусусида маҳаллий манбаларни бирламчи деб ҳисоблаш мумкин. Чунки қадимги эрон ва юнон муаллифлари Суғдни яқиндан билмагани сабабли ўз асарларида Суғддаги таркибий ҳукмдорликлар қандай шартлар остида ягона конфедерацияга бирлашганига доир ҳам, унинг тарихан қандай маъмурий бирликлардан иборатлиги борасида ҳам аниқ маълумотлар бера олишмаган. Улардаги маълумотлар умумий тасаввур беради.

Масалан, И.Маркварт Арйанам-Вайжу мамлакати аҳамонийларга қадар мавжуд бўлган Ўрта Осиёдаги йирик давлат бўлиб, унинг маркази Хоразм бўлгани тўғрисидаги тахминни юнон-рим манбаларига асосланган ҳолда илгари сурган [14.59-72; 15]. Кейинчалик бу гипотеза В.Б.Хеннинг ва И.Гершевич томонидан, рус тарихшунослигида С.П.Толстов томонидан қўллаб қувватланган эди [22.176; 4]. Уларнинг фикрича, ушбу ҳудуд Хоразмдан жанубга қараб жойлашган бўлиб, марказида Марв ва Ҳирот (қадимги Ария) турган. Ушбу гипотезанинг вужудга келишига Геродот берган маълумотлар асос бўлган, Ак (ушбу дарё қадимий Парфия билан чегарадош ҳозирги Теджен-Херируд воҳасида жойлашган [16.172-175]) дарёсидаги тўғон хоразмликларга қараган ҳамда Хоразм, Парфия, Ария ва Суғдиёна аҳамонийларнинг бир сатраплиги бўлган [5.31]. Лекин ушбу маълумотларда Суғднинг тарихий-географик чегаралари тўғрисидаги маълумотлар жуда ҳам тарқоқ.

Суғд қадимий Ўзбекистон ҳудудларининг Зарафшан ва Қашқадарё водийлари бўйлаб жойлашган Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб воҳаларидан иборат марказий бўғинини ташкил этган. Аммо манбаларда V-VIII асрларга оид Суғднинг географик ҳудудлари ҳақида баъзан бир-бирини истисно этувчи фикрлар етиб келган. Масалан, хитойлик диндор, буддавий авлиё зотлардан бири Сюань Цзан «Суғд» тушунчасини жуда кенг ҳудудларга нисбатан татбиқ этган. Бу сайёҳ будда динининг Ўрта Осиёдаги ва Ҳиндистондаги муқаддас жойларини зиёрат қилган, бу ўлкалар ҳақида Хитой учун зарур маълумотлар йиғиш учун қилган сафари давомида йўл хотиралари, кундаликларини ёзиб борган. Чу дарёси водийсидан то Қарши воҳасини Шеробод воҳасидан ажратиб турувчи тоғ довонидаги Темир дарвозагача *Суғд* деб аталган. Ушбу ўринда гап Суғднинг сиёсий-географик чегаралари ҳақида эмас, балки суғдийларнинг жойлашган ҳудудлари ҳақида бўлиб, бизнингча, бу тасаввур Буюк ипак йўлида Суғднинг фаол иштироки, суғд тилининг Еттисув ва бошқа шарқий ўлкаларда халқаро савдо-тижорат ва маданий алоқалар тили бўлгани сабабли туғилгандир [10.348]. 629-630 йилларда Шимолий Афғонистон орқали Ўрта Осиёга кириб келган Сюань Цзан бу ҳудуднинг географияси тўғрисида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган. Унга кўра, Суғд (хитойча Сули) Суёбдан то Кешгача (Қашқадарё воҳаси) бўлган ҳудудда жойлашган. Суғд таркибига Зарафшон воҳаси, Уструшона, Қашқадарё воҳаси ва Чоч кирган [10.348]. Бу ҳудуд аҳолисининг тили ва ёзуви ҳам суғдийча бўлган. Маълум бўладики, VII асрнинг биринчи ярмида суғд тили ва ёзуви Зарафшон воҳаси, Уструшона, Қашқадарё воҳаси ва Чочда кенг тарқалган. Фақатгина жанубий ҳудудларда *бохтар* (тоҳар) ёзуви ва тили ҳукмрон бўлган [6.64-65].

Худди шунга ўхшаш маълумот 728 йилда Ўрта Осиёда бўлган бошқа бир хитой сайёҳи – Хой Чао томонидан ҳам келтирилган. У Ўрта Осиёдаги икки дарё оралиғини тил хусусиятларига қараб *олти* географик ҳудудга бўлади: Бухоро воҳаси (Ань), Уструшона (Цао), Кеш (Ши), Чоч Элоқ билан бирга (Ши-ло), Маймурғ (Ми) ва Самарқанд (Кан) [13.71]. Ушбу ҳудудлардан суғдий ёзма ёдгорликларнинг топилиши ҳам буни тасдиқлайди. IX асрга қадар ушбу ҳудудларда эфталийлар, чочликлар, фарғоналиклар, турклар, форслар ва араблар яшашига қарамай, кундалик мулоқотда суғд тили ва ёзувидан фойдаланилган. Араб тили эса давлатни бошқаришда ишлатилган. Кейинчалик эса суғдий тил ўрнини форсий эгаллай бошлаган: IX асрнинг иккинчи ярми – X асрдан бошлаб Ўрта Осиёдаги суғдий аҳолининг катта қисми *форсий* тилни билган [10.348].

Суғд конфедерациясининг тарихий-маъмурий бўлиниши хусусида хитой манбаларида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Хитойлар ўз давлатлари чегарларини хариталарга тушириш асносида бу чегараларга туташ бўлган ҳудудларнинг номларини келтирганлар. Масалан, Хан сулоласи йилномасида Суғд *Сухэ* деб аталиб, Кангюйнинг бир бўлаги сифатида кўрсатилади. Тан сулоласи йилномасида эса, Суғд *Шы-Кеш* билан бир ҳудуд деб ҳисобланади: «Шы мамлакати Кюй – *Ши* ёки *Гишуанна* деб аталади.... Бу собиқ Сухэ шаҳри ўрнида бўлиб, кичик Кангюй

мулкига қарашли бўлган. Ундан 150 ли ғарбда Нашебо (Нахшаб) шаҳри бор. 200 ли шимолда эса Ми (Маймурғ) жойлашган. Жанубда 400 ли масофада эса – Тухоло (Бухоро). Хитойда Суйлардан Да-ли ҳукмронлик қилган йилларда (605-616) Шы ҳукмдори *Дучже* (бу исм суғд манбаларида учрамайди)» [3.274; 12.77) Хитой билан илк бор алоқа ўрнатди. У қудратли ҳукмдор сифатида машҳур эди. Кеш шаҳрини шу ҳукмдор қурдирган [3.316]. Хитой манбаларида Кеш Суғддаги энг йирик шаҳар деб келтирилган. 656-660 йиллардаги беш йиллик урушдан кейин конфедерация маркази Самарқандга ўтган, шундан сўнг бу шаҳар Суғднинг бош шаҳри ҳам энг йирик шаҳар ҳисобланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юнон манбаларида келтирилган Наутака шаҳрини локаллаштириш ҳалигача баҳсли бўлиб қолмоқда. Ёки Ксениппа атамасини кимдир Шаҳрисабз – Кешга тортса, кимдир Қарши чўлидаги Косонга тортади. Шу сабабли ёзма ёдгорликлар берган тарихий маълумотларни жойлар билан боғлашда қиёсий таҳлил алоҳида роль ўйнайди. Жойларнинг тарихий ўрнини аниқ белгилаш, воқеа-ҳодисаларнинг ҳақиқий кўламини, уларнинг тарихий жараёнга таъсирини аниқ белгилаш имконини беради.

Лекин хитой манбалари ҳам ушбу ҳудуд тўғрисида бирламчи манба ҳисобланмаслиги лозим, чунки уларнинг муаллифлари фақат бир маротаба бу ерда бўлиб қайтганлар. Улар Самарқанд Суғдининг маркази бўлган Канга бўйсунувчи ҳудудлар қаторига Унахэ (Чоржўй ?)ни ҳам киритганлар [24.54]. Хитой сайёҳлари ушбу маълумотларни ўзларининг билим даражалари ва дунёқарашлари нуқтаи назаридан келтирганлар.

Суғд конфедерациясининг маъмурий бўлиниши ҳақида араб манбалари ҳам бир хил нуқтаи назарда эмас [1.487-489]. Баъзи манбаларда Суғд деб *Самарқанд* воҳасигина тушунилади, шарқда Панжикент, ғарбда Кармана Суғднинг чегаралари бўлган деб кўрсатилади [19.92; 17.56-80]. Хитой ва араб манбаларида Панчдан шарқ ва шимоли-шарқ томондаги Суғдга тегишли мулклар назардан четда қолдирилади. Булар Панчга қарам майда маъмурий ҳудудлардан Заровад (*Азравадк* – Юқори Зарафшон ҳавзасидаги ҳозирги Заровод қишлоғига тўғри келувчи ушбу аҳоли манзили Искодар қишлоғи яқинида жойлашган) Моғиён, Кштут (*Кштут* – Панжикентнинг жануби-шарқида Моғиёндарё яқинидаги Зарафшон дарёсига қуйилувчи ирмоқлардан бири, ҳозирда Кштут деб аталади), Мадм, Варзи Минор (*Вурзвад* – Юқори Зарафшондаги ҳозирги Варзи Минор қишлоғи (Айний туманида) бўлиши мумкин), Искодар (*Искатар* – Юқори Зарафшон ҳавзасидаги ҳозирги Искодар қишлоғи, Панжикент ва Матчо орасидаги Урметан, Заровод, Хшикат қишлоқлари билан қўшни бўлган мазкур аҳоли манзили Тожикистоннинг Айний тумани маркази яқинида жойлашган), Крут (*Крут* – Юқори Зарафшонда, Панжикент ва Матчо оралиғида жойлашган ҳозирги Курут қишлоғи. Тожикистондаги Айний туманига яқин жойлашган ушбу аҳоли манзили Искодар, Хшикат ва Фатмев қишлоқлари яқинидадир), Шавкат (*Шавкат* – луғавий жиҳатдан суғдийча *шав* «қора» ва *кат* «қишлоқ/шаҳар» («Қора-қишлоқ/шаҳар») маъноларни англатган ушбу аҳоли манзилини айрим тадқиқотчилар Зарафшон дарёсининг ўнг ҳавзасида, ҳозирги Айний тумани марказининг бироз шимоли-шарқида жойлашган Шавкати поён қишлоғи билан тенглаштирадилар. Айрим тадқиқотчилар эса уни араб географлари томонидан Шимолий Уструшонада Самарқанддан Хўжандга элтувчи йўл бўйидаги муҳим рустоқ (туман) сифатида тилга олинган жой билан битта деб қарашади. Шунингдек, мазкур географлар Илоқ (Чоч) вилоятидаги шаҳарлардан бирининг номини ҳам Шавкат шаклида қайд этишган), Похут, Фатмев, Мартушкат (*Мартушкат* – ҳозирги Матчодаги қишлоқларнинг энг йирикларидан бири Мадрушкат номида сақланган [11.189]) Матчо (Зарафшон дарёсининг энг юқори ҳавзасида жойлашган тоғли вилоят номи) каби кўплаб қишлоқлар, Паргар номли тоғ ўлкаси (*Парғар* – суғдий тилда «тоғ усти / тоғлик жой», «тоғнинг юқориси» маъносини англатган бўлиб, Юқори Зарафшонда, Зарафшон дарёсининг чап ҳавзасидаги тоғлар ва тарихий вилоятнинг номи. Ҳозирги кунда Зарафшонга қуйилувчи Кштут ва Фон-дарё ирмоқлари оралиғидаги ҳудуд Фалғар шаклида сақланиб қолган. Панч хўжалик ҳаётида Парғарнинг алоҳида ўрни бўлган кўринади. Парғар хўжалик ва маъмурий жиҳатдан Панчга бўйсуниб, кўпгина масалаларни марказ Самарқанд билан эмас, балки бевосита Панч ҳукмдорлиги доирасида ҳал қилган), Буттам (*Буттаман* – араб манбаларида Буттам шаклида қайд этилган. Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзасида, Панжикентнинг шимоли-шарқида, Зомин тоғлари яқинида, ундан жануби-шарқда жойлашган тоғлик тарихий вилоят. У баъзан алоҳида ҳукмдорлик, баъзан Уструшона таркибидаги вилоят сифатида бўлган) ҳокимлиги ва бошқалар эди.

Карманадан ғарбга томон Бухоро Суғдини «Катта Суғд»га қўшмай қараган манбалар ҳам бор. Худди шу каби Қашқадарё воҳасига нисбатан Суғдга тегишли ўлка сифатида қарашда ҳам ҳар хиллик бор. Масалан, баъзи муаллифлар Суғд деб Зарафшон дарёсининг юқори оқимидан то қуйи оқимигача барча ерларни, жумладан, бу

ҳудудга Бухоро воҳасини ҳам киритадилар. Лекин Кеш, Нахшаб воҳаларини Суғддан айириб қарайдилар. Масалан, Ибн Хавқал араблар жорий қилган солиқ-молия маъмурий бўлинишдан келиб чиқиб, Суғдни Бухородан, Кеш, Нахшабдан ажратиб қарайди. Лекин Ибн Хавқал учун манба бўлган Ал-Истахрий маълумотларида Суғдни анъанавий шартли равишда уч қисмга бўлиб (Самарқанд, Бухоро, Кеш-Нахшаб) қаралмагани таъкидланган, яъни Истахрий ўз баёнини осонлаштириш учун Суғднинг қисмларини бир-биридан ажратиб берган.

Хуросоннинг тўрт қисмга бўлингани ҳақида Ибн Хурдодбеҳ томонидан берилган маълумот Балазурий томонидан ҳам қайд этилган, бу маълумот фақат Муқаддасий томонидан тасдиқланмаган. Унда Самарқанд ва Суғд алоҳида ҳудуд сифатида таърифланади [23.162]. Афтидан, бу нарсага исбот талаб қилмас ҳақиқат, деб қаралган. Ҳолбуки, Самарқанд кўпгина манбаларда Суғднинг таркибий (марказий) қисми эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилганини кузатиш мумкин. Суғднинг маъмурий бўлинишини илк ўрта аср муаллифларининг кўпчилиги шу тарзда ноаниқ таърифлайдилар (Балазурий, Муқаддасий).

Араб муаллифи Ал-Муқаддасий Жайҳоний маълумотлари асосида илк ўрта асрларда Суғдга Кеш ва Насаф (Нахшаб) ерлари кирган, деб кўрсатади. Лекин у Самарқанд яқинидаги Иштихонни кучли мавқеига қарамай, Суғдга киритмайди. Ваҳоланки, Иштихон (Цао), Суғднинг муҳим марказий туманларидан бўлиб, бу ҳудудда Кушония (Хэ) ҳам жойлашган. Баъзи ҳолларда Кушония ва Иштихон бир ҳудуд деб қаралади. Бу борада Муқаддасий қуйидаги сўзларни келтиради: «Суғднинг асосий бош шаҳри – Самарқанд, кейин эса Кеш, сўнгра Насаф, ундан кейин эса Кушония – то унинг охиригача (*Кушония* – Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарё тармоқлари ўртасидаги орол ер бўлган ҳозирги Миёнқол ҳудудига тўғри келади). Ва у (Жайҳоний – *Ғ.Б.*) дейдики, Самарқанддан бошқа Суғднинг яна бир йирик шаҳри – Иштихон. Лекин у Суғддан алоҳида ҳисобланади. Бухорони ҳам Суғдга қўшадилар. Бунинг сабаби қилиб Бухоронинг Зарафшон дарёси бўйида жойлашганлигини кўрсатишади [2.269]». Лекин илк ўрта асрларда Ғарбий Суғд-Бухоро 22 та ҳукмдорлик ва уларнинг таркибидаги ўнлаб мулкларни ўзида бирлаштириб, мустақил ички бошқарувга эга бўлган. Ўрта аср тарихчи-сайёҳлари (Ал-Маъсудий, Ёқут ал-Ҳамавий) ҳам ушбу маълумотни таъкидлашган. Ушбу бошқарув тизимининг шаклланиши илк ўрта асрлардан ҳам олдинги даврларга тўғри келади. Шу ўринда таъкидлаш лозим бўладики, Суғднинг Самарқанд ва Бухоро қисми ўртасидаги тараққиёт даври ва алоҳида ривожланишига сабаб бўлган омиллар мавжуд бўлиб, бунда географик омиллар етакчилик қилади. Бунга асосий сабаб Зарафшон дарёсининг қурий бошлаши натижасида Самарқанд ва Бухоро ўртасида чўли Маликнинг пайдо бўлишидир. Натижада эса Суғднинг икки қисмида икки хил тараққиёт ва урбанизация жараёнини кузатиш мумкин. Илк ўрта асрлар даврига келиб эса бу омил янада кўзга яққолроқ кўрина бошланди.

Истахрий эса *Самарқанд Суғдини* Суғднинг алоҳида муҳим қисми деб таъкидлайди. Шу билан бирга, Бухорони ундан алоҳида таърифлайди: «Бухоро шарқ томонидан Суғд билан чегарадош. Карминияга етгач у ёғи Дабусиядир, сўнгра Рабинжон, Кушония, Иштихон ва Самарқанд. Булар ҳаммаси Суғднинг юрагидир» [2.316].

Юнон манбалари *Суғд* деб Зарафшон водийсини, Қашқадарё воҳасини тушунадилар. Бир қатор ўрта аср манбалари (Масалан, Ас-Самъаний. Китоб ал-ансоб) Суғдни Самарқанд воҳаси деб тушунадилар [7.77-89].

Суғд тарихий географик тушунчаси ҳақида айтилган кўплаб фикрлар орасида Ал-Истахрий энг тўғри нуқтаи назарни ифода этган: «Моваруннаҳр - унинг (бир қатор) мулклари бор. Унинг бири Жайҳун билан туташ. Бу *Бухоро* деб аталади. Қолган Суғд (ерлари) унга туташ ва Самарқандга қарашлидир. Бухоро, Кеш, Насафга келсак, мен уларни ас-Суғдга тааллуқли деб ҳисоблайман...« [2.295].

Шундай қилиб, араблар истилоси арафасида, истило давомида, сўнгра араб халифалиги даврида, ниҳоят, Ўрта Осиёда мустақил ўрта аср давлатлари юзага келган IX асрдан кейинги даврларда Суғд ерлари ҳақидаги тарихий-географик, маъмурий-ҳудудий тасаввурлар бир хилда турмаган. «Авесто» китобидан бошлаб «суғдлар яшаган ер» Гава мамлакати яхлит тушунча бўлиб келган. Бу яхлитлик аҳмонийлар давридан қолган битикларда ҳам Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига нисбатан қўлланиб тасдиқ топган. Македониялик Искандар Амударёдан ўтгач, бир муддат кейин Суғдга кирган ва Навтакани эгаллаган. Сўнг Самарқанд сари юриш қилган. Бу маънода Суғд тушунчаси қабул қилинган ҳудудлар – Зарафшон ва Қашқадарё ҳудудлари учун хосдир. Демак, тарихан Суғд мамлакати милоддан аввалги I мингйилликдаёқ нафақат тарихий маданий ўлка, балки маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида ҳам илк ўрта асрлардаги *Суғд* тушунчаси билан деярли бир маънога эга бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, Бухоро бошқача-

роқ мақомда бўлган. Масалан, 627-йилда Бухоро ҳукмдори Алинга ўз сулоласининг 22-авлоди бўлган. Ўрта ҳисобда бу сулола 400 йилга яқин тахтда турган бўлса (22х15-20 йил), у ҳолда Бухоронинг Суғд конфедерациясидаги нисбий мустақиллиги анча қадимдан бошланган бўлади. Бунинг устига Хитой йилномалари Суғддаги Самарқанд, Бухоро, Кеш-Нахшаб ҳукмдор хонадонларини *чжаоулар* деб атайдики, бу атама ябғу-кушонларда ҳукмдор мартабасининг номи билан алоқадор. Шу билан бирга, Самарқанднинг илк ўрта асрлардаги ҳукмдорлари сулоласи Хитойдаги Хань подшолиги даври билан бир вақтда тахтга эга бўлиб, давомий тарзда араб истилоси давригача келган [3.271].

Суғд ҳудудининг сиёсий-ҳудудий маъно касб этиш даври конфедератив уюшма юзага келиш жараёни билан боғлиқ. Хитой манбаларига кўра, дастлаб Кеш атрофида, сўнг Самарқанд атрофида Суғд ерларининг иттифоққа бирлашуви жараёни VII асрга тўғри келади. VIII аср бошида эса, Араб халифалиги кучлари Қутайба ибн Муслим бошчилигида Самарқандни қўлга киритгач, ўртада тузилган сулҳ битимига кўра, Самарқанд ва унинг атрофларидан ташқари Кеш ва Насаф ҳам Суғд подшосига қарашли бўлган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бу каби қатор ўзаро турлича талқинлар, бир-бирига хилоф изоҳ-тушунтиришлар сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин: араб истилосидан кейин, халифалик маъмурий тузумидан бошлаб тарихий Суғднинг маъмурий бирлигига путур етган. Анъанавий Суғд ҳудудлари йирик ўрта аср давлат тузилмалари (дастлаб Араб халифалиги, сўнгра Тоҳирийлар, Сомонийлар ва б.) таркибига кира борган. Солиқ ва бошқа йиғимлар, маъмурий-бошқарув тизимлари доирасида Суғд атамаси кам қўлланадиган бўлиб борган. Кўпроқ Суғднинг қадимги шаҳарлари ва уларнинг атрофидаги тобе ҳудудлар номини қўллаш расм бўлган. Шу туфайли ўрта аср муаллифларида *Суғд* атамаси турли талқин этила бошлаган.

Қадимги даврдан ўрта асрларга ўтиш босқичида эса Суғднинг маъмурий-ҳудудий чегаралари ҳам ўзининг тарихий асосларига мослигини йўқотмаган эди. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб шаҳарлари атрофида ўзига хос тарзда, ҳам маъмурий-сиёсий бирлашма ҳолатига кириш, ҳам тарихий-маданий жараёнда нисбий ўзига хослик аломатлари билан Суғд сиёсий конфедератив уюшмаси амал қилган эди. Бу ўртада Бухоро ва унинг атрофида жойлашган бир қатор тобе ҳукмдорликлар умумсуғд конфедерацияси доирасида нисбий мустақилликка эга эдилар. Суғд мамлакати маъмурий-сиёсий тизимида бош ролни ўйнаган Самарқанд билан Қашқадарё воҳаси Суғд ерлари ўртасидаги конфедератив уйғунлик яққолроқ намоён бўлган, десак хато бўлмайди. Бу ҳол араб истилоси жараёнида кўзга ташланиб турган: Суғд ихшидлари Бухорога иттифоқчи сифатида ёрдам бериб тургани ҳолда, Кеш-Нахшаб Суғди ерларини ўз мулкларидек ҳимоя қилишган. Табарийнинг «Тарих», Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарларида келтирилган ҳарбий ва дипломатик муносабатлар ҳақидаги маълумотлар бунинг далилидир.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч. Т. III.– М.: Наука, 1965.

2. Biblioteka geograforum arabikorum edidit M.J.De.Goeje. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viaeregnorum….. auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore….Al-Mokaddasi, 1877.

3. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л.: АН СССР, – Т.II. 1950.

4. Gershevitch I. The Avestanhumn to Mitra. – Cambridge. 1959.

5. Дандамаев М.А. Политическая история ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985.

6. Исҳоқов М. Суғдиёнада «ихшид» ва «ихрид» унвонлари ҳақида / Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши, 2011.

7. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: Фан, 1993.

8. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

9. Латышев В.В. Известия древних писателей о Скифии и Кавказе // ВДИ. – М., 1947. – №1.

10. Лившиц В.А., Хромов А.Л.Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981.

11. Lurje P.B. The element -kath/kand in the place names of Transoxiana // ST, 32, fascicule 2, 2003.

12. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989.

13. Мандельштам А.М. О некоторых вопросах сложения таджикской народности в Среднеазиатском Междуречье / СА. – М., 1954. XX

14. Marquart J. Die Chronologie der altturkishen Inschriften. – Leipzig, 1898.

15. Marquart J. Erânšahr nach der Geographie des Ps. Moses. Xorenaq'i. – Berlin, 1901.

16. Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес / Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. – М.: Наука, 1967.

17. Смирнова О.И. Вопрос – исторической топографии и топонимики Верхного Зарафшана // МИА. – М., 1953. – №37.

18. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970.

19. Смирнова О.И. Карта верховий Зерафшана по мугским документам // СНВ. – М., 1971. – Вып. X.

20. Согдийские документы с горы Муг. – Вып. I. / А.А. Фрейман. Описание публикации и исследование. – М.: Изд. Вост. лит-ры, 1962. – 90 с.; Согдийские документы с горы Муг. – Вып. II. / Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. – М.: Наука, 1962. – 222 с.; Согдийские документы с горы Муг. – Вып. III: Хозяйственные документы / Чтен., пер. и коммен. М.Н. Боголюбова и О.И.Смирновой. – М.: ИВЛ, 1962. – 131 с.

21. Tomaschek W. Sogdiana. Central Asiantische Studian I. // SPAW –Wien, 1877.

22. Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – vol. 12.

23. Хордадбех Ибн. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик (Книга путей и стран) / Перевод с арабского комментарии, исследование, указатели и карты Наили Велихановой. – Баку: Элм, 1986.

24. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Т.: Фан, 1990.

Самарқанд давлат университети,
2013 йил 20 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)